

Энг катта савдо



23:45 / 27.03.2023 2381

Инсонни яратишдан мақсад фақат ибодат бўлса, у ҳолда эрталабдан кечгача ибодатдан бошқа бирор иш қилмаслигимиз ва бошқа иш қилишимизга рухсат ҳам бўлмаслиги керак эди. Бошқа бир ўринда Қуръони Карим шундай дейди:

«Албатта, Аллоҳ мўминлардан уларнинг жонлари ва молларини жаннат эвазига сотиб олди» (Тавба сураси, 111-оят).

Аллоҳ таоло мўминлардан жонларию молларини сотиб олди ва бунинг эвазига охиратда уларга жаннат бўлишини тайин қилди. Жонимиз аллақачон сотиб олинган бўлса, у ҳолда танамизда турган бу жон бизники эмас, балки сотиб олинган молдир. Унинг қиймати тўлаб ҳам қўйилган.

Жонимиз ўзимизники эмас экан, унинг эгаси бор экан, демак, ушбу жон ва

жисмни Аллохта ибодатдан бошқа ишга ишлатмаслигимиз керак. Шунга кўра, бизга Аллоҳ таоло: «Сенга эрталабдан кечгача бошқа ишга рухсат йўқ, доим сажда қилиб тур, доим Аллоҳ-Аллоҳ деб тур, бошқа гапга ҳам рухсат йўқ. Касб қилма, таом ема, фақат тирик туришинг учун орада таом еб олишга етадиган даражада муҳлат берамиз. Шу даражада танаффус қилишинг мумкин, холос. Лекин қолган барча вақтни Бизга сажда қилиб ўтказ», деб ҳукм қилинса ҳам, ҳеч адолатга хилоф бўлмас эди. Чунки, биз айнан шу ибодат учун яратилганмиз.

«Рамазонни қандай ўтказамиз?» китоби асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/2234-рақамли асосида чоп этилган.